Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 10 (9506). • 1989 йил 13 январь • жума • Баҳоси 3 тийин.

✦ ИШ ҚУРОЛИНГ соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейдилар. Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози механизаторлари мавжуд трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналар ремонтини тез, соз ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. СУРАТЛАРДА: тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилган машиналар; (ўнгда) механизаторлар Ҳайитбой Давронов ва Тожибой Михтибоев, механик Олтин Англамасовлар билан ремонт сифатини кўздан кечиришмоқда.

«Ишқилиб совуқ бўлмасин»

НОСИРЖОН 1988 йилнинг баҳорида бўлган бир ҳодиса ҳақида гапирди, ўшанда ўзиям бир ўлимдан қолибди.

— Бир асради ўшанда. Шамол бутун бошли қўра томини учириб устимизга отса бўладими. Ёнгил машинадан энди тушиб қўйларни қўрадан чиқараётувдим. Беш-олтита қўйнинг устига шифер синиқлари тушса ҳам жониворларга унча қаттиқ тегмади. Машинани-ку таниб бўлмай қолди.

— Шиферни яхши қоқишмаган экан-да?

— Қоқиш қаёқда, Будённий номли совхозда шу оддий мих ҳам топилмайди-ми, дейман, шиферни томга қўндиришади-ю, мих қоқишмайди, ёки уч-тўрт шифернинг бирига уришади.

— Тежасалар керак-да?

— Ким билади, бу қурувчи деганлари хаёлпаришон бўлармикан, дейман-да. Ахир яйловда шамол кучли, ҳеч бўлмаса шуни ҳисобга олишлари керак эди.

Носиржон бизни қўра ичкарисига бошлади. Ҳар қадамда охур ва шифер синиқлари сочилиб ётибди. Қўра томининг шамол учирган жойларидан, ҳали ойна солинмаган дераза ва туйнуклардан ичкарига шамол уриб турибди. Совуқда қўйларни бу ерга қамагандан яйдоқ қўрада асраган минг марта афзал.

Бош чўпон рост гапирибди. Қурувчиларнинг турган-битган иши чала, қўралар бу йилги қишловга мутлақо тайёрланмаган. Томга қоқилган тунукалар осилиб ётибди, қўра деворларининг ҳар ер, ҳар ери нураб, қулаган. Қишлов учун, ҳатто дағал хашак жамғарилмаган, ем йўқ.

Одатда чўпонлар ўзларидан кўра молларни кўпроқ ўйлашади, ишқилиб давлатникига зиён етмасин. Қўрани ремонт қилиб беришни талаб қилишади-ю, устига пўстин, оёғига этик сўрашмайди, кўмир ўрнига таппи ёқиб кетишаверади. Раҳбарлар кўпинча бундан фойдаланиб қолишади, талаб қилишмагач, «Ма, ол», деб келтириб беришармиди. Хўжаликнинг 410 бош қўйини боқаётган ака-ука Носиржон ва Фахриддин Низомовлар ҳам шундай тоифадаги чўпонлардан экан.

Чорва қишлови қандай ўтмоқда

Бош чўпон Тўйчибой Муслимов қўраси ҳам ҳали ремонт қилинмабди, бу ердаги камчиликлар айнан олдинги қўрада кўрганларимизни такрорлайди. Қўрада 450 бош совлиқ қишламоқда, таажжуб унда қўзилар учун мослаштиришга арзийдиган дурустроқ жой йўқ. Ёғочдан қилинган охурлар ўтин қилиб ёқишдан бошқага ярамайди. Сим тўрлар оёққа илашади. Хашак ғаранмнинг усти ёпилмаган, ўтган йилдан қолгани сочилиб ётибди, ем йўқ. Бу ердагилар ҳам кўмир, иссиқ кийим-бош олишмабди. Чўпонларнинг айтишича ҳаводан битта ёғса, қўрадан мингта ёғади, ҳар йили шу аҳвол. Бу йил, ҳатто қўрани гўнгдан ҳам тозалашмабди.

Буларни совхоз раҳбарлари, қўйчилик бригадаси бошлиғи Маҳмуд Нурматов билмайди, кўрмаган дейсизми? Янглишасиз. Ҳаммасидан хабардорлар. Фақат жон койитгилари келмайди, бутун оғирликни чўпонлар зиммасига юклаб дўппини яримта қилиб юришаверади. Ҳалиям ҳаво илиқ, сал совуқ бўлсин, ўшанда кўрасиз томошанинг зўрини.

Биз совхознинг қатор қўраларида бўлдик. Ҳамма ерда аҳвол деярли бирдай. Бу ишни бугун-эрта тугатиш керак, дейдиган инсон топилмайди. Мирзараим Абдуллаев қўрасида моллар ўртасида юқумли касалликлар тарқалган, чўпоннинг айтишича, бир ой ичида ўн бешта қўй-эчки нобуд бўлган.

Йўлимизда биринчи бўлиб учраган мазкур қўрада ҳам ремонт ишлари бажарилмаган. Охурларнинг кўпи яроқсиз ҳолга келган. Дағал хашак мол оёғи остида қолиб, нобуд бўлмоқда. Қўра томидаги шиферлар синган.

Ана шунақа гаплар, қишловнинг учинчи ойи тугабди-ю, Оҳангарон районидаги С. М. Будённий номли совхозда ишлар ҳали чала, совхоз маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари чорвадорларнинг ҳақли талабларини инобатга олишмаяпти. Чорвадорлар учун оддий шароит ҳам яратилмаган. Автолавкалар бу томонларга келишмас экан, ахир чўпонга ҳам қандқурс, яхши усти-бош керак. Ишдан қўллари бўшамагач, қаерга уни излаб боришади, ахир. Мавжуд камчиликлар бугун эрта тугатилмас экан, кўкламга келиб айтиладиган «Қишловдан беталофат чиқдик» деган сўз қуруқ гап, ёлғон, ўз-ўзини алдаш бўлади. Ваҳоланки, ҳали қишловнинг оғир кунлари олдинда турибди.

А. ОМОНБОЕВ,
А. НАВРЎЗОВ.

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ. Халқобод посёлкасида ўтган йили 800 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиши бошлаб юборилган эди. Объектда бунёдкорлик ишларини 8-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннанинг А. Абибуллаев етакчилигидаги комплекс бригадаси қурувчилари олиб боришмоқда. Улар мактабни янги ўқув йили очилишига ўқувчиларга ҳадя этишмоқчи.

Р. АБДУҚАЮМОВА.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

● Ҳамма ерда бўлганидек, областимизда ҳам аҳолини рўйхатга олишга киришилди. Суратда: (ўнгдан) ҳисобчи Ирина Гапко ва инспектор-назоратчи Вера Грибуцкая Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси Шонсмонл Зобитов оиласи аъзоларини рўйхатга олишмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

26 МАРТ—СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

ПАРТИЯНИНГ НОМЗОДЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакат турмушида муҳим воқеа бўлди: у Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатди.

11 январь куни СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди, унда КПССдан депутатликка номзод бўлиб овозга қўйилишга розилик бериб ёзилган аризалар кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари бир овоздан номзодлар рўйхатига олинди.

Рўйхатга олинганлар орасида барча иттифоқдош республикалардан ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бор. Масалан, Иссиқкўл областидан бош чўпон З. Бейшекеева, ёзувчи Й. А. Васильев, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари генерал-полковник М. А. Моисеев, Кемерово областидан шахтёр В. М. Гвоздев, академик Г. И. Марчук КПССдан СССР халқ депутатлигига номзод бўлдилар.

Комиссиянинг номзодларни рўйхатга олиш иши давом этмоқда. КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг состави қонунда белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

ДЕҲҚОНГА ИШОНЧ

ОҚҚЎРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчи-хизматчиларининг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган бу йиғилишда Ильич қишлоқ Советининг раиси Тошмамат Алижонов биринчи бўлиб сўз олди.

— СССР депутатлигига номзод қилиб кўрсатиладиган киши ҳар томонлама етук бўлиши керак,— деди у.— Мен тажрибали механизатор, уста деҳқон Турғун Напасовни ана шундай муносиб номзодлардан бири деб ҳисоблайман. У бошқараётган бригада чек усулида меҳнат қилиб, пахта ҳосилдорлигини планда белгиланганидан мунтазам 5 центнер ошириб келмоқда. Бундан ташқари у область партия комитетининг аъзоси, қишлоқ Советининг депутати сифатида жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Қайта қуришнинг мазмун-моҳиятини яхши тушунади, уни амалга оширишга астойдил кўмаклашади.

Шундан сўнг сўзга чиққан совхоз озуқачилик бригадаси бошлиғи Турдиқул Сарибоев, меҳнат ветерани Раимқул Қодиров, совхоз комсомол комитетининг секретари Турғун Бекмуродов, хўжалик бош инженерининг ўринбосари Илёс Умеров, уруш ветерани Ашурали Эргашев, 5-бўлим инженер механиги Ўринбой Тожибоевлар ҳам шу номзодни ёқлаб чиқдилар.

С. Сегизбоев номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Турғун Напасовни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилинди.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

МУНОСИБЛАРИНИ САЙЛАШДИ

КУНИ КЕЧА республика Ёзувчилар союзида очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси, ревизия комиссияси, СССР Ёзувчилар союзи аъзолари ҳамда республика Ёзувчилар союзи аппарати ва унга қарашли ташкилотлар ходимлари қатнашган бу йиғилишда СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишни очган ва олиб борган ёзувчи О. Ёқубов СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги тартиб-қоидаларни тушунтиргач, О. Ёқубов, Ҳ. Ғулом, В. Карпов, Г. Нуруллаева, С. Татур, Б. Бойқобилов, Т. Пўлатовлар номзоди билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Шундан сўнг президиумга қатор таклифлар тушди. Жумладан, Б. Бойқобилов ўз номзоди ўрнига С. Азимов номзодини таклиф этди. Ш. Холмирзаев, М. Кенжабоев, Б. Исомовлар эса юқоридаги номзодлар рўйхатига М. Маҳмудов билан М. Солиҳни қўшиб қўйиш истагини билдирдилар.

Номзодлар хусусида ўз фикрини баён этиш учун биринчи бўлиб шоир Шукрулло сўзга чиқди.

— Депутатлар ҳамиша партия ва халқ номидан гапира оладиган, серҳаракат кишилар бўлмоғи шарт,— деди у.— Шундан келиб чиққан ҳолда мен О. Ёқубов, С. Азимов ва М. Солиҳлар номзодини халқ депутатлигига муносиб деб биламан.

Шукруллодан сўнг сўзга чиққан Р. Раҳмонов, И. Ғафуров, Ш. Холмирзаев, Н. Қиличев ва бошқа ўртоқлар ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Кўпчиликнинг фикрига кўра беш нафар ижодкор депутатликка номзод қилиб кўрсатиш учун овозга қўйиладиган бўлди. Шулардан О. Ёқубов 122 та, М. Солиҳ 112 та, С. Азимов 53 та, М. Маҳмудов 52 та ва Т. Пўлатов 26 та овозга эга бўлишди.

Очиқ партия йиғилиши Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов билан шоир М. Солиҳ номзодини СССР халқ депутатлигига номзодликка кўрсатишга қарор қилди.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН XXIII ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

XXIII Тошкент область партия конференцияси Ўзбекистон Компартияси область комитетининг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш юзасидан иши тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб таъкидлайдики, область партия комитети ҳисобот даврида партиявий ишни қайта қуриш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Бу ишда изчиллик ва ишчанлик кучайди. Хўжалик масалалари бўйича қабул қилинадиган қарорлар, кенгашлар ва мажлислар сони камайди. Масъул ходимларнинг амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бошланғич партия ташкилотларида бўладиган вақти кўпайди. Область партия комитетининг куч-ғайрати энг муҳим ўзаро боғлиқ вазифалар— кадрлар корпуси ва партия сафларини соғломлаштириш, экономика, социал ва маънавий соҳалардаги турғунлик ҳолатларини бартараф қилишга қаратилди. Уларнинг бажарила бориши пленумларда, бюро мажлисларида, партия йиғилишларида мунтазам кўриб турилди. Партия-хўжалик активи ўқуви, умумий иқтисодий таълим, лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий ишлар шунга қаратилди. Тармоқлараро илмий-техника комплекслари, муваққат ижодий коллективлар, ишлар илмий-техника ижодкорлигининг хўжалик ҳисобидаги марказлари тузилди ва ишламоқда. Хўжалик қурилиши, совет аппаратининг қатор масъулиятли участкалари омилкор партия кадрлари билан мустаҳкамланди.

Партия ташкилотларининг ташаббуси билан хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий қилинмоқда. Область саноат маҳсулотининг ярмини бераётган 118 корхона тўла хўжалик ҳисоби шароитларида ишламоқда. Барча корхоналарни 1989 йилнинг январидан хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлашга ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари ўтказилди. Қишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерларнинг 87 проценти коллектив ва оила пудрати усули бўйича ишланмоқда, чорвачиликда бўлинмаларнинг учдан икки қисми ҳам шу усул асосида ишламоқда. Область партия комитетининг ташаббуси билан «Қибрай» агросаноат комбинати ва «Тошкент» агрофирмаси ташкил этилди ва муваффақиятли ишламоқда, шунга ўхшаш қатор бошқа хўжалик ташкилотлари тузилмоқда. Капитал қурилишни бошқариш структураси, инвестицияларнинг йўналиши ўзгарди. Транспортни бошқаришнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтиш амалга оширилмоқда, темир йўлида интенсив ишлашнинг белорус усули жорий қилинди, алоқа корхоналарининг иши қайта қурилмоқда.

Ташкилий, иқтисодий ва идеологик тадбирларнинг бирга қўшиб олиб борилиши инсон омилининг бирмунча активлашишига, областни социал-иқтисодий ривожлантиришда ижобий силжишлар бўлишига ёрдам берди. Саноат маҳсулотининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Юксак сифат категориясидаги буюмларнинг солиштирма вазни бир ярим баробар кўпайди, давлатга пахта, сабзавот, гўшт ва сут сотиш бўйича уч йиллик топшириқлар бажарилди. Аграр комплекснинг рентабеллиги ошди. 5 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жойлар фойдаланишга топширилди, бу беш йилликнинг контрол рақамларидан ортиқдир. Савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланди. Маиший хизмат кўрсатишнинг 130 дан ортиқ янги турлари жорий қилинди. Мактаб фонди 13 процент янгиланди, поликлиника муассасаларининг қуввати ошди.

Идеология иши қайта қурилмоқда. Унга ёндашувлар демократлашмоқда, ошкоралик авж олаяпти, фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги ривожланмоқда. Марксча-ленинча таълим системасида эксперимент доираси кенгайди. 400 нафардан ортиқ фан докторлари ва кандидатлари пропаганда ишига жалб қилинди. Лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий ишда янги методикалар жорий қилинмоқда. Миллатлараро муносабат масалаларига эътибор кучайди. Она тилини чуқур ўрганишни ташкил этиш ва турли миллатлар вакилларининг маданий эҳтиёжларини қондириш масалалари ҳал қилинмоқда.

Партия ташкилотларининг фаоллиги ошди. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ коммунистлар аттестацияси, партияга танлаб қабул қилишнинг икки йиллик системаси жорий қилинди. Раҳбарларни сайлаш, кадрлар резервини ошкора кўрсатиш ҳаётга мустаҳкам кириб борди.

Шу билан бирга область партия комитетининг сиёсий, ташкилотчилик иши даражаси ҳамон қайта қуриш талабларига тўла жавоб бермайди. Расмиятчилик, маъмуриятчилик, қоғозбозлик, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан етарли назорат қилмаслик ҳоллари бартараф этилмаган. Раҳбарликнинг сиёсий усуллари суст ўзлаштирилмоқда. Партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари вазифаларини амалда чегаралашга эришилгани йўқ. Кўпгина раҳбарлар иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, ошкоралик ва демократия шароитларида ишлашга тайёр эмасликлари маълум бўлди.

«Средазкабель», «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби қатор саноат корхоналари хўжалик юритишнинг янги усулларига тайёр эмасликлари оқибатида оғир молиявий аҳволга тушиб қолдилар, кўрсаткичларни пасайтирдилар. Экономикани ривожлантиришнинг харажатли хусусияти бартараф этилгани йўқ, нархларнинг ошиши, арзон ассортиментни қисиб чиқариш давом этмоқда. Қишлоқ хўжалигида ижара, оилавий ижара, харажатларни ҳисобга олишнинг чек формалари суст жорий қилинмоқда. Картошка, озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини чеклаб пахтачиликни ривожлантиришга экстенсив ёндашувлар ҳали ҳам устундир. Ҳамон озиқ-овқат ресурсларининг 20 процентдан ортиқроғи уларни ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишда нобуд бўлмоқда. Қатор жойларда кооперативлар, ёрдамчи ҳунармандчиликлар тузиш судралмоқда.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, уй-жой ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган комплекс программалар суст амалга оширилмоқда. Область саноати ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича беш йиллик топшириғини бажармаяпти. Ҳар тўрт корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятларни уддаламаяпти. Фонд самараси камаймоқда, асбоб-ускуналарни ишлатиш коэффициенти ошмаяпти. Саноат чиқиндилари туфайли Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида, Оржоникидзе ва Оҳангарон районларида мураккаб экологик вазият давом этмоқда. Канап, мевалар, узум, картошка тайёрлаш бўйича беш йиллик планлар бажарилмади. Темир йўл вагонлари ва автотранспортнинг нормативдагидан ортиқча туриб қолиши йилдан-йилга ортмоқда, автомобилда юк ташиш планлари бажарилмаяпти.

Капитал қурилишида уч йил ичида бир миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилмади, кадрлар кўнимсизлиги ҳамон юқори, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашдаги камчиликлар суст бартараф этилмоқда. Озиқ-овқат ва саноат молларини тақсимлаш ҳамда меҳнаткашларга сотиш устидан назорат суст йўлга қўйилган, хизмат соҳалари секинлик билан кенгаймоқда. Товар оборoти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича планларнинг бажарилишидаги қолоқлик бартараф этилмаган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН XXIII ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

(Давомн. Боши 1-бетда).

Илмий кучларни областни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга тўплашда сусткашлик қилинмоқда. Сифат жиҳатидан янги пахта териш машинаси, ҳосилдор чигит уруғи ва ишончли дефолиантлар яратишнинг реал йўллари топилмади.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш масалалари ҳамон ўткир бўлиб турибди. Амалда ҳамма жойда туғуруқхоналар, болалар касалхоналари ва поликлиникаларида ўринлар танқислиги ўткир ҳис қилинмоқда. Шунга қарамай уларни қуриш планлари йил сайин бажарилмаяпти. Калинин, Паркент районларида болалар ўлими кўпаймоқда.

Ўрта ва олий мактаб ислоҳоти суст суръатлар билан амалга оширилмоқда. Областдаги умумий таълим мактаблари ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг фақатгина ярми таълим-тарбия жараёни учун нормал шароитларга эга. Оҳангарон, Оққўрғон, Пискент районларида айниқса нохуш аҳвол таркиб топган.

Область партия комитети ижодкор зиёлилар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишни йўлга қўймади, бунинг оқибатида зиёлиларнинг муайян қисмида қайта қуриш руҳига мос келмайдиган қарашлар пайдо бўлмоқда. Қатор ижодий коллективларда носоғлом ахлоқий-психологик муҳит, гуруҳбозлик бартараф этилмаган.

Область партия комитети ҳисобот даврида расмиятчиликни, андозачиликни, ғоявий-тарбиявий ишга «инструктив» муаммосиз ёндашувни бартараф этишнинг уддасидан чиқолмади. Областнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўткир муаммолар ва воқеалар кўпинча ўз вақтида пайқаб олинмаяпти ва ғоявий таъсир кўрсатиш кам самарали бўлмоқда. Салбий ҳодисаларнинг олдини олишга, кишиларнинг айрим категориялари билан мунтазам якка тартибда ишлашга кам эътибор берилмоқда. Таъсир кўрсатишнинг актив формалари, очиқ мунозаралар, муҳим масалаларни ошкора муҳокама қилиш етарлича қўлланилмаяпти. Социалистик тадқиқотларда система ва аниқ мақсадни кўзлаш йўқ. Ягона сиёсий қонларнинг самараси паст бўлмоқда, уларда баён этилган ташкидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши суст назорат қилинади.

Область партия комитети ватанпарварлик, интернационал, ахлоқий, атеистик тарбияда янгича ёндашувларни ишлаб чиқмади. Сўнгги вақтда ёшлар, зиёлилар орасида пайдо бўлган норасмий гуруҳлар фаолиятига лозим даражада таъсир кўрсатилмаяпти. Бу ишда мавжуд ижтимоий потенциалдан суст фойдаланилмоқда, экстремистик кўринишларга, халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихини нотўғри кўрсатишга, шубҳа ва адоват уруғини сочишга уринаётган кимсаларга қарши актив таъсир кўрсатиш йўқ. Диний удумлар, мачитлар ва черковларга бориш камаймаяпти. Хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш бартараф этилмаган.

Оммавий ахборот воситалари қайта қуриш жараёнига ҳамон тўла кўмаклашаётгани йўқ. Қатор шаҳар ва район газеталари йирик, муаммоли масалаларни кўтармайди, ўткир танқидий материалларни кам беради.

Ҳуқуқ-тартиботни бузишга қарши кураш сусайди, жиноятчилик даражаси юқорилигича қолмоқда. Аҳолини, айниқса ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш сифатини анча ошириш талаб этилади.

Областни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги камчиликлар кўп жиҳатдан область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг ташкилотчилик ишидаги нуқсонлар, партия ташкилотларининг лозим даражада актив эмаслигига боғлиқдир. Уларнинг кўпчилигида партиявий ишнинг янги форма ва усуллари расмиятчилиқ учунгина жорий қилинмоқда. Ҳамма жойда ҳам партияга қабул масъулиятли участкаларда партия таъсирини ошириш воситаси сифатида фойдаланилмаяпти. Олмалиқ шаҳри, Тошкент, Ҳамза районларида коммунистлар аттестацияси лозим даражада принципиал ва самарали ўтмаяпти. Раҳбар коммунистларни бошланғич партия ташкилотини четлаб жазолаш фактлари бартараф этилмаган. Сайланадиган партия активи, жамоат ташкилотларининг роли суст ошмоқда.

XXIII Тошкент область партия конференцияси қарор қилади:

1. Область партия комитетининг ҳисобот давридаги иши қониқарли деб топилсин.

2. Область партия комитети партия комитетлари ва ташкилотлари, барча коммунистларнинг қуч-ғайратини КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида қайта қуришни чуқурлаштиришга сафарбар этсин. Асосий эътибор партиявий ишнинг услуб ва усулларини тубдан янгилашга, уни кишиларга, жонли ишга яқинлаштиришга, раҳбарликнинг бюрократизм, тазйиқ ўтказиш принципларидан, бюрократизм ва қоғозбозликдан халос этишга қаратилсин. Партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг вазифаларини чегаралашга эришилсин, бу соҳада туркум илмий ечимлар, амалий эксперименталр ўтказилсин ва уларнинг жорий этилиши таъминлансин.

Партия комитетлари ва ташкилотларининг бутун сиёсий ва ташкилотчилик иши қайта қуришнинг ҳозирги пайтдаги бош муаммоларини ҳал қилишга: экономика ва сиёсий системанинг ислоҳоти, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой, халқ истеъмоли товарлари ва хизматига бўлган талабини қондиришга, шахснинг маънавий камол топишига буйсундирилсин.

3. Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш партия ташкилотларининг экономика соҳасидаги асосий вазифаси деб ҳисоблансин. Барча корхоналар ва ташкилотларнинг 1989 йилдан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш таъминлансин.

Область партия комитети ишлаб чиқариш коллективлари, илмий-тадқиқот муассасалари партия ташкилотлари куч-ғайратини меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги, ҳаражатсиз системаларини ишлаб чиқишга, уларни амалда жорий қилишга, моддий ва меҳнат сарфини анчагина иқтисод қилишни таъминлашга йўналтирсин. Шу асосда саноат ишлаб чиқараётган буюмлар орасидан арзон ассортиментни суриб чиқариш жараёнини тўхтатишга эришилсин.

Маҳсулот сифатини оширишга катта эътибор берилсин. Технологияни такомиллаштириш, ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш асосида ўн иккинчи беш йиллик охиригача областнинг аттестация қилинаётган саноат маҳсулотининг бешдан бир қисми юксак сифат категориясига мувофиқ бўлишини таъминлаш зарур.

4. Раҳбарликнинг коллегиал органлари сифатида область партия комитети пленумлари, бюроларнинг ташкилотчилик роли оширилсин. Партия комитетлари ҳузурида сайланадиган орган аъзолари сафидан партиявий-сиёсий ишнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар тузилсин. Оммавий, ошкора ва амалий партия назоратини ташкил этишнинг ленинча принциплари қатъият билан амалга оширилсин. Сайлаб қўйиладиган актив, партия комиссиялари, халқ назорати органларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти бўйича қарори талаблари асосида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлашни такомиллаштириш юзасидан иш давом эттирилсин. Партия ташкилотларининг партияга қабул масалаларини ҳал қилишдаги мустақиллиги ривожлантирилсин, айни вақтда уларнинг партия сафларини сифатли тўлдириш, партия ташкилотларининг социал ва миллий составидаги нуқсонларни бартараф этишдаги масъулияти оширилсин. Коммунистлар аттестацияси давомида уларнинг фаолиятига баҳо беришда талабчанлиқ оширилсин, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилишига эришилсин.

Областда ижтимоий фикрни ўрганиш ва жойлардан тушган мулоҳазалар ва таклифларга ўз муносабатини билдирувчи система яратилсин.

Шаҳар ва район партия комитетларининг меҳнаткашлар хатлари ва аризаларини кўриб чиқишдаги ҳуқуқи кенгайтрилсин ва масъулияти оширилсин

5. Область партия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда тубдан бурилиш бўлишини таъминласин.

Партия ташкилотларининг куч-ғайрати техника экинлари экилган суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланишга, озиқ-овқат ва озуқа экинлари экиш учун майдонларни бўшатиб беришга қаратилсин. Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик районлари хўжаликларини картошка, мева-сабзавот, узум, гўшт ва сут етиштиришга, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон районлари хўжаликларини картошка, мева ва узум етиштиришга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Область ижроия комитетига шаҳар атрофидаги сабзавотчилик колхозлари ва совхозларига самарасиз фойдаланилаётган ерларнинг бир қисмини озиқ-овқат маҳсулоти етиштириш ва уни бевосита меҳнат коллективларига етказиб туриш учун бериш тавсия этилсин.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик, Шредер номидаги, ўсимликшунослик, чорвачилик институтлари партия ташкилотларига «Картошка», «Теплица», «Боғлар ва узумзорлар», «Маккажўхори» илмий-ишлаб чиқариш системаларини жадал ишлаб чиқилишини таъминлаш, 1989—1990 йилларга мўлжалланган тадбирлар орасидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган область «Гўшт» ва «Сут» программаларини қайта кўриб чиқиш топширилсин. Паркент каналининг биринчи ва иккинчи навбатларини жадал қуриш, теплицалар қуриш ва теплица хўжаликлари консорциумини барпо этиш, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавот омборлари ва қайта ишлаш қувватларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, Оҳангарон ва Коммунистик районларида йирик чорвачилик комплекслари қурилиши бўйича тадбирлар комплекси амалга оширилсин.

Область партия комитети зиммасига область агросаноати раҳбарлари — коммунистларнинг, хўжалик раҳбарларининг куч-ғайратини озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни бошқариш структурасини қайта қуриш ва қайта ташкил этишга, кераксиз бўғинларни анча қисқартиришга йўналтириш вазифаси юклатилсин. Бу сабзавот омборхоналари қувватларини ошириш бўйича тадбирлар билан бирга маҳсулотнинг даладан истеъмолчигача бўлган йўлда нобуд бўлишини икки баробар камайтиришни таъминлаш лозим.

Конференция область партия комитетига чет эл фирмалари билан ҳамкорлик ва амалий алоқалар бўйича уддабуронларнинг область уюшмасини тузиш юзасидан зарур ташкилий чораларни кўришни топширади, бу компенсация асосида биргаликда корхоналар ташкил этишни ва ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳисобига Озиқ-овқат программасининг биринчи навбатдаги вазифаларини ҳал қилишни тезлаштириш имконини беради. Шу муносабат билан область ижроия комитети ҳузурида иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Область ижроия комитети, область агросаноат комитетининг коммунист-раҳбарлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва реализация қилиш муаммоларини ҳал қилишда колхозлар, совхозлар, қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларига тўла мустақиллик берсинлар. Кўнгилли демократик асосда область агросаноат комплексини бошқаришнинг янги органларини тузиш 1989 йилнинг биринчи кварталида тугаллансин.

Область партия комитети пахта етиштиришнинг индустриал технологиясини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берсин. Илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ташкилотлари ва саноат корхоналари партия ташкилотларининг куч-ғайрати пахтанинг вилтга чидамли ва сифатли навларини, самарали ва хавфсиз дефолиантлар, принцип жиҳатидан янги пахта териш комбайнини жадал ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилсин.

6. Область партия комитети зиммасига шаҳар қурилиши ва архитектурасини такомиллаштиришнинг бориши устидан партия назоратини кучайтириш, микрорайонларнинг комплекс қурилишини, қишлоқда монолит уйсозликни қўлланишни кенгайтириш вазифаси юклатилсин.

Қурилиш-монтаж ишларининг комплекс механизациялашни жорий қилиш, юксак унумли техника, прогрессив материаллар ва конструкцияларни кенг қўлланиш, объектларнинг моддий-техника таъминоти аниқ бўлиши таъминлансин.

Бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси корхоналарининг, трестлар ва бошқармаларнинг барча резервлари ва қўшимча имкониятлари областни қурилиш материаллари билан ўзини-ўзи таъминлаш ва пландан ташқари уй-жой қурилишига йўналтирилсин. Беш йиллик охиригача маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича пландагидан ташқари умумий майдони бир миллион квадрат метр уй-жойларни фойдаланишга топширишга эришилсин.

7. Область партия комитети транспорт ва алоқа партия ташкилотларининг эътиборини халқ хўжалиги ва хизматнинг шу турларига бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш, юкларни бутун номенклатура бўйича ташиш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажаришга қаратсин.

Ҳаракатдаги составдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Чирчиқ — Тошкент — Ангрен йўналишидаги темирйўл участкаларида вагонларни ўтказиш қобилиятини кучайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилсин.

Бошқарув аппаратининг қисқариши муносабати билан алоқа корхоналари раҳбарлари бўлган коммунистлар телефон станциялари ва линия тармоқларининг бўшаган қувватларини квартира телефонлари ўрнатиш учун топшириш таъминлансин. Беш йиллик охиригача жами ҳажми 55 минг номерли автоматлашган станцияларни фойдаланишга топширишга эришилсин.

8. Область партия комитети илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-технологик институтлар ва конструкторлик бюролари, олий ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг куч-ғайратини областни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилиш йўлларини қидириб топишга йўналтирсин. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг истиқболли йўналишларини, илмий ишланмаларнинг амалда фойдаланишнинг техника-иқтисодий баҳосини илмий асослаш ва ошкора муҳокама қилишнинг бир қанча йўллари ва воситалари назарда тутилсин. Фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва пахтачиликда юксак самарали техниканинг янги авлодларини, прогрессив технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилсин. Илмий муассасалар раҳбарлари — коммунистларнинг илмий тадқиқотлар самарадорлиги, амалий аҳамияти ва оперативлиги учун, коллективларда ижодий, ишчанлик вазиятини, соғлом ахлоқий-психологик муҳитни яратиш учун шахсий масъулияти оширилсин.

Партия, совет органлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳоли саломатлигини муҳофаза этишни ривожлантириш ва СССР соғлиқни сақлашини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги қарорининг ўз вақтида ва тўла бажарилишини таъминласинлар. Область «Саломатлик» программаси доирасида соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини жадал ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг амалий профилактикасига алоҳида эътибор берилсин.

9. Область партия комитети, таълим соҳасининг партия комитетлари 1989—1990 йиллар давомида область халқ таълимида ислоҳотни амалга ошириш бўйича комплекс амалий чораларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар. Таълим-тарбия жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси, деб ҳисобласин. Халқ таълими муассасаларида демократик асосларни ривожлантиришга, ўқувчилар коллективларининг ўзини-ўзи бошқарувига алоҳида эътибор берилсин.

Халқ таълими партия ташкилотларидан ўзбек ва рус тилларини ўрганишга муносабатларни тубдан ўзгартириш талаб этилсин. Тошкент областида яшаётган маҳаллий бўлмаган миллат вакиллари она тилини ўрганишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш бўйича иш давом эттирилсин.

Мураккаб ва интеграциялашган касблар бўйича ишчи кадрлар тайёрлаш таъминлансин. База корхоналари ҳузурида билим юртлари қатори тармоқлараро асосда йирик ихтисослашган ўқув юртлари яратилсин. Ҳунартехника билим юртлари раҳбарлари, инженер-педагогик ходимларнинг сифат состави яхшилансин. Ўрта умумтаълим мактабларининг олий ва ҳунар-техника мактаблари билан ўзаро алоқаси кучайтирилсин, кадрларни ўзаро айирбошлаш амалда қўлланилсин.

10. Область партия комитети, идеология муассасалари ва актив куч-ғайратни ғоявий-тарбиявий ишнинг шаклари ва усулларини тубдан янгилаш ва демократлаштиришга, қироатхонлик, сафсатабозлик ва бир қолипда фаолиятдан халос бўлишга, фактлар, ҳолатлар, воқеаларни баҳолашга таҳлилий, амалий ёндашувга, кишилар билан уларни қизиқтираётган масалалар бўйича ҳалол, манфаатли мулоқотда бўлишга қаратсинлар.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Маркс-ва-Ленинча таълимни ташкил этишга, унинг сифати ва натижадорлигини оширишга замонавий ёндашувларни актив қидириш давом эттирилсин. Партия ўқуви системасида эксперимент кенгайтирилсин, у зарур илмий-методик ва моддий-техника базаси билан таъминлансин, сиёсий ўқувни қайта қуришга, унинг мазмунини янгилашга аниқ социал-иқтисодий йўналиш берилсин.

Партия, совет, хўжалик органлари раҳбарлари — коммунистлар онгидаги маънавий соҳага, ғоявий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишнинг моддий базасини мустаҳкамлашга қолдиқ ёндашув принциплари қатъий тугатилсин.

Область партия комитетининг марксизм-ленинизм университетида барча категориядаги идеология кадрларини табақалаб тайёрлаш муттасил такомиллаштирилсин.

Меҳнат коллективлари ва яшаш жойларида ҳаракатсиз, ўз умрини ўтаб бўлган бўғинлардан воз кечиш йўли билан оммавий-сиёсий ишни қайта қуриш бўйича янги методикалар тез жорий қилинсин, унинг ташкилий структураси иложи борича соддалаштирилсин, агитколлективнинг ишлари ва вазифалари аниқ белгилансин, уни кишилар билан мулоқотнинг мунозарали шаклларини эгаллашга йўналтирилсин.

Сайланадиган активнинг ягона сиёсий қонларни уюштириш ва ўтказишда қатнашиш, уларда баён қилинган мулоҳазалар ва таклифларнинг амалга оширилиши устидан амалий назорат олиб бориш учун масъулияти оширилсин.

Лекция пропагандаси билан шуғулланувчи барча муассасаларнинг куч-ғайрати бирлаштирилсин ва мувофиқлаштирилсин, планлар — талабномалар асосида лекциялар ўқишга ўтиш амалга оширилсин. «Билим» жамияти область ташкилотининг 1989 йилдан тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлашга ўтиши таъминлансин.

Меҳнаткашлар ва аҳолининг турли табақалари ўртасида социологик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, область социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида воқеалар ва тенденцияларни оператив ўрганиш ва олдиндан айтиш учун социологик хизматлар, лабораториялар ва марказлар тармоғини ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Кишиларни ватанпарварлик, интернационализм, ахлоқий, атеистик руҳда тарбиялашга аниқ мақсадли комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Бу иш пухта ўйлаб, областда мавжуд бўлган катта социал ва миллатлараро муаммоларни, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг турли категориясига табақалашган ёндашувни ҳисобга олиб борилсин. Тожикистоннинг Ленинобод области ва Қозоғистоннинг Чимкент области, Монголиядаги Эрдэнэт шаҳри, Афғонистондаги Саманган вилояти меҳнаткашлари ва аҳолиси билан дўстона ва амалий алоқалар ҳар томонлама ривожлантирилсин, биродарлашган шаҳарлар ҳаракати кенгайтирилсин.

Областда ёшлар ва зиёлилар орасида мавжуд бўлган норасмий уюшмалар ва гуруҳлар фаолиятига партиявий таъсирни кучайтириш бўйича чоралар кўрилсин, айрим норасмий уюшмалар фаолиятидаги салбий тенденцияларни бартараф этиш бўйича иш акгивлаштирилсин. Ёшлар, ижодкор ва илмий зиёлиларнинг ғоявий тарбиясига аниқ мақсадли характер бахш этиш, экстремистларнинг демократиялаш ва ошкоралик жараёнидан ижтимоий фикрни чалғитиш, миллатлараро ва социал адоват ўтини ёқиш, турли ижтимоий уюшмаларнинг очиқ тўқнашувини уюштириш учун фойдаланишига қатъий қарши турилсин.

Барча миллат вакилларининг маданий эҳтиёжларини қондириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилсин.

Идеологик таъсир этишнинг барча воситалари билан кишиларда мамлакатимиз, республика тарихига, областда яшаётган барча миллатлар ва элатлар миллий ва маданий анъаналарига чуқур қизиқиш уйғотилсин. Лектор, агитация-пропаганда кадрлари оммага тарих ва миллий маданият масалаларини актив тушунтиришга сафарбар этилсин.

Ижодий союзлар, маданий-оқартув муассасаларнинг иш услуби тубдан янгилансин, бадиий зиёлиларнинг барча кучлари қайта қуриш платформасида бирлаштирилсин. Область партия комитети ҳузурида тузилган ижодий союзлар ва театр-томоша кўрсатувчи муассасалар партия ташкилотлари секретарлари кенгаши, улар активининг ғоявий-сиёсий ва касб маҳоратларини ошириш ва раҳбар кадрлар резервини тайёрлашдаги фаолияти муттасил такомиллаштирилсин.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ривожлантириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг маҳорати ва класслигини ошириш бўйича ишнинг аниқ йўналишлари белгилансин.

Ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш сифатини яхшилашга қаратилган комплекс чоралар амалга оширилсин.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига ошкоралик ва жамоат назоратининг қудратли қуроли сифатида қараб, уларга партиявий раҳбарлик усуллари такомиллаштирилсин. Матбуот, радио, телевидениеда экономика, социал соҳа ривожи, партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятини қайта қуришнинг энг муҳим масалаларини ёритишда программ мақсадли планлаштириш изчил жорий қилинсин, журналистлар малакасини узлуксиз ошириш системаси ривожлантирилсин, редакторлар кенгашининг фаолияти яхшилансин, область шаҳарлари ва районларида журналистларнинг кўчма зонал летучкаларини ўтказиш кенг қўллансин.

11. Область партия комитети кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириб, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ишини чуқурроқ ва ҳар томонлама таҳлил қилсин. Жамоат уюшмаларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини оширишга, уларнинг милиция участка инспекторлари билан қалинроқ алоқада бўлишига эришилсин.

Маъмурий органларнинг фаолияти меҳнат коллективларига, жамоатчиликнинг кенг қатламларига суянган ҳолда энг кўп ошкоралик шароитларида амалга оширилишига биринчи даражали аҳамият берилсин. Шу мақсадларда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўз иши тўғрисида меҳнат коллективларида ва яшаш жойларида ҳисобот беришлари кенг қўлланилсин.

Область партия комитетининг давлат-ҳуқуқ бўлими аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш савиясини ошириш бўйича самарали чоралар системасини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

12. Область партия комитети янги талабларга мувофиқ кадрлар сиёсатини қайта қуришни таъминласин. Раҳбарларнинг сайланиши, уларнинг партия ташкилоти, меҳнат коллективлари олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришлари, кадрлар резервини ошкора кўрсатиш ҳамма жойда ҳаёт нормаси бўлиб қолиши керак. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида кадрлар резервининг ҳаракатчан группаларини шакллантириш ва ўқитиш бўйича иш давом эттирилсин. Партия ходимларининг барча категориялари ва сайланган активни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси 1989 йилда ишлаб чиқилсин ва жорий этилсин.

13. Область партия комитети зиммасига халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимияти тикланишига ҳар томонлама кўмаклашиш, янги сиёсий система шароитларида партия ва давлат органлари вазифаларининг аниқ чегараланишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Коммунист-депутатлар билан олиб борилаётган ташкилий-сиёсий иш Советлар ва уларнинг ижроия органлари ишлари шакллари ва усулларини қатъий янгилашга, улар фаолиятини демократиялашга, шаҳарлар ва районларнинг социал-иқтисодий ривожланишга таъсирини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

СССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловларнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминлаш партия ташкилотларининг совет жамияти сиёсий системаси ислоҳотини амалга ошириш бўйича фаолиятининг муҳим бўғини бўлмоғи керак. Сайловолди кампаниясидан меҳнаткашларнинг социал фаоллигини ошириш, уларнинг энг яхши вакилларини давлатни бошқаришга жалб қилиш, демократия ва ошкораликни янада ривожлантириш йўлида тўла фойдаланиш лозим.

Касаба союз ташкилотлари ишини яхшилашга партиявий таъсир кучайтирилсин. Касаба союз ташкилотларининг раҳбар коммунистлари меҳнат коллективларида ўзини-ўзи бошқариш асосларини кучайтиришга фаол таъсир кўрсатишлари, меҳнаткашларни коллектив ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб қилишлари, иқтисодий ислоҳотни, назоратчилик вазифаларини амалга оширишда анча таъсирли роль ўйнашлари керак.

Партия ташкилотларининг халқ контроли органлари билан ўзаро қалин ҳамкорлиги йўлга қўйилсин. Текширувлар барча турларини мувофиқлаштиришнинг жорий қилинган практикасидан фойдаланиб, биргаликда контрол чиқишлар уюштириш, масалаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш формаларини тез-тез қўллаш керак.

Пайдо бўлаётган ёшлар муаммоларини ҳал қилишни таъминлаш бўйича зарур иш олиб борилсин. Комсомолда ишлаётган ёш коммунистларга эътибор кучайтирилсин, уларнинг партия комитетлари ва ташкилотларининг ёшлар билан ишлашдаги роли оширилсин. Илмий-техника ижодкорлигини, ёшларнинг қизиқишлар бўйича турли хил бирлашмаларини ривожлантиришда комсомол ташкилотларига кўмаклашиш керак.

Хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат ветеранлари ташкилотлари, Совет маданият фонди ва В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг область бўлинмалари ишини қайта қуриш давом эттирилсин. Бу ташкилотларда ишлаётган коммунистлар орқали уларнинг фаолиятига фаолроқ таъсир этилсин, уларнинг ижтимоий потенциалидан кишилар билан тарбиявий, маданий-оқартув ишда, социал масалаларни ҳал қилишда тўлароқ фойдаланилсин.

Область партия комитети ва жамоат ташкилотларининг ичкиликбозлик, алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва бошқа салбий иллатларни таг-томири билан йўқотиш бўйича ишини аниқ амалий мазмун билан бойитиш лозим. Ўтказилаётган тадбирларнинг профилактик, тарбиявий йўналиши кучайтирилсин, уларда барча манфаатдор муассасаларнинг актив иштирок этиши таъминлансин.

* * *

XXIII Тошкент область партия конференцияси область коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб, қайта қуришни чуқурлаштириш, партия XXVII съезди, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашда ўз куч-ғайратлари, ижодий энергия ва жонбозликларини янада кучайтирадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясида

Амалий ишлар программаси

Туф — Арманистонда жуда кўп ва ҳозир зилзиладан вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қуриш учун ғоят зарур бўлган қурилиш материалидир. Туф қазиб чиқаришни кўпайтириш кўп жиҳатдан Ленинакандаги тошкесар машиналар заводини ишга туширишга муддатига боғлиқдир. Чунки у мамлакатда ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир. Заводда маҳсулот ишлаб чиқариш табиий офат оқибатида тўхтаб қолди, бироқ шу йилнинг биринчи кварталида корхонанинг вайроналар ўрнида тикланган цехларида тошкесар машиналарни ишлаб чиқариш яна бошлаб юборилади. Иттифоқ Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги ўринбосари Ю. П. Баталин олиб борган мажлисида Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг ўз корхонаси тақдирига масъулият билан ёндашганлиги маъқулланди.

Қомиссия Арманистондаги жабрланган районларда зилзила оқибатларини тугатишда иштирок этаётган Иттифоқ ҳамда республика министрликлари ва идораларининг куч-ғайратлари билан нормал ҳаётни тиклашнинг энг муҳим программаларини ишлаб чиқиш асосан тугалланганини таъкидлаб ўтди. Тўртта асосий йўналиш — уй-жойларни кенг миқёсда қуриш, саноатни, агросаноат комплексини тиклаш ва реконструкциялаш, шунингдек шаҳар ва посёлкаларда ҳаётни таъминлаш системаларини барпо этиш белгиланди. Ҳозир бу программаларнинг тафсилотлари аниқланмоқда, уларни комиссия яннаммоларини ҳал қилишга, ишчилар ва улар оилаларининг бугунги аҳволига катта эътибор берилган. Улар қаерда яшайдилар, бугун нима иш қиладилар, эртага уларни нималар кутмоқда — бу саволларнинг ҳаммасига программада аниқ-равшан жавоб берилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг якинда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин олиб борган мажлисида Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг ўз корхонаси тақдирига масъулият билан ёндашганлиги маъқулланди.

варнинг иккинчи ўн кунлигида узил-кесил тасдиқлайди.

Қўпчилик министрлик ва идораларнинг планлари конкретлиги ва батафсиллиги билан ажралиб турибди. Жумладан, СССР Темир йўллар министрлиги тақдим этган Арманистон ССР темир йўлларини ривожлантириш программасида юк оборотини икки баравардан зиёдроқ кўпайтириб, йилига 18,5 миллион тоннадан 40 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, бошқа министрлик ва идоралар ҳам аниқ ва батафсил планларни тақдим этдилар.

Шу билан бирга комиссия мажлисида Арманистон ССР Енгил саноат министрлиги шанига қаттиқ танқидий гаплар айтилди. Зилзилага қадар ана шу тармоққа қарашли корхоналарда Ленинакан, Кировакан, Спитак ҳамда табиий офат юз берган зонадаги бошқа шаҳарлар меҳнатга лаёқатли аҳолисининг асосий қисми банд эди. Министрлик салкам 40 минг кишини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан конкрет таклифлар киритилган программани тайёрлай олмади.

Кулфат юз берган районларда турли сабабларга кўра, мактаб ва мактабгача ёшдаги 80 минг бола қолди. Лекин республика Халқ таълими министрлиги таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш учун шу вақтга қадар бирор жиддий амалий чора кўрмади. Комиссия министрлик раҳбарларининг масъулиятсиз позициясини қоралади, халқ таълими масалалари биринчи навбатда ҳал қилиниши зарурлигини таъкидлади.

Комиссия зилзила оқибатларини тугатишнинг батафсил ва конкрет программаларини тузишни яқин кунларда тугаллаш зарурлигини таъкидлади.

(ТАСС).

ҚАНИ ЭНДИ ҲАММА ҲАМ ЖАМОЛ АКАГА ЎХШАСА

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИДАН

ТАЖРИБА коллектив, оила, шахсий пудрат дехқончилик, айниқса, сабзавотчиликда меҳнатни ташкил этишнинг ва кўзланган самара олишнинг энг мақбул усули эканлигини кўрсатди.

Бу колхозда кейинги икки-уч йил ичида колхоз ишлаб чиқаришида жиддий ўзгариш бўлганлиги, хўжаликнинг иқтисодий қуввати ортиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётганлигининг боиси ҳам шунда. Ҳозирги кунда колхознинг давлат банкида 2 миллион сўм нақд пули бор. Илгари ҳеч қачон бундай маблагга эга бўлинмаган. Ҳисобот-сайлов арафасида бухгалтерлар тахминан чўтга ташлаб кўришди: хўжаликда ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик маоши 250—300 сўмдангача тўғри келмоқда. Кунлик иш ҳақи 8—10 сўмни ва ундан ортиқни ташкил этаётир. Бунинг ҳаммаси пудратнинг, меҳнатга янгичасига, онгли муносабатда бўлишнинг шарофатидир.

Пудрат қўлланилгач, одамларни ишга даъват этишга, уларни тартиб-интизомга чақиришга ҳожат қолмади. Ҳар бир тармоқдаги ишлар ўз-ўзидан қатъий изга тушди. Ҳар бир касб эгаси мумкин қадар тежамкорлик билан ишлашни шиор қилиб олди. Трактор паркида илгарилари машина-механизмлардан пала-партишлик билан фойдаланилар эди. Қайси бригадага трактор керак бўлса, сўраб олар, уни ўз билганича ишлатар, баъзи кунлари бу тракторлар арзимаган иш қилиб, кун бўйи бекор туриб қоларди. Энди ҳеч ким бундай қилишга журъат этмайди. Ҳисоб-китоб бор! Ўтган йили тракторчилар запас қисмларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатиб шу ҳисобга 2343 сўмлик маблағни тежаб қолдилар. Ана шу маблағ механизаторларнинг ўзларига тақсимлаб берилди. Аксинча, айримлар ортиқча сарфлаб юборишган 2539 сўм пул улардан ундириб олинди.

Шунинг учун ҳам колхоз раиси С. Муҳаммаджонов ўзининг ҳисобот докладида пудратнинг қўлланилиши, унинг келтираётган фойдасини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берди.

Ўтган йили колхозда 540 та оила билан шартнома тузилди. Якун шуни кўрсатдики, бу оилаларнинг аксарияти пудрат шартномаларини зиёдаси билан адо этдилар. Ҳисобот йиғилишида ана шундай илғор коллективларнинг номлари бирма-бир саналди. Булар орасида Жамол Хорунов алоҳида тилга олинди. Қани энди ҳамма Жамол акага ўхшаса, деган фикр ўртага ташланди. Бу бежиз эмасди. Жамол ака бундан уч-тўрт йил илгари колхоз правлениесига келиб анча «ишдан» чиқиб қолган ерни сўраб олди. Ўғилларим билан пудратда ишлайман, ўзим ерни ўнглаб оламан, деди. Айтганининг уддасидан чиқди. Фарзандлари бошқа соҳаларда, турли касбларда ишлашади. Лекин Жамол ака уларнинг бўш вақтида деҳқончилик ишларига жалб этди. Шу тариқа бу оила коллективи ҳар йили экин-лардан мўл, арзон ҳосил ола бошлади. Колхозга ҳам катта фойда келтириб, ўзлари ҳам мўмай даромад қилмоқдалар. Ўтган йили бу оила хўжаликка 39 минг 618 сўм фойда келтирди.

Йиғилишда Ҳожиакбар Азимовнинг ишлари ҳам алоҳида ибрат қилиб кўрсатилди. Бу оила 1 гектар карамдан 80 тоннага етказиб ҳосил олмоқда. Ваҳоланки, колхоз бўйича бу кўрсаткич 40 тоннани ташкил этмоқда. Ҳожиакбар Азимовнинг 1 гектар ер ҳисобига хўжаликка келтираётган даромади 16—17 минг сўмга етди. Ана шу сингари фидойи деҳқонларнинг меҳнати туфайли колхоз сабзавот етиштиришнинг турларини кўпайтирди. Ўтган йили 25 турдаги сабзавотнинг 20 таси бўйича план ошириб бажарилди. Илгарилари асосан карам ва бошқа сабзавот ҳисобига планни бажариб келган хўжалик учун бу катта бурилиш, албатта!

Пудрат — ҳисоб-китобни ёқтиради. Бу усулда ишлаганда ҳар бир қарич ер ардоқда бўлиши керак. Афсуски, йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, айримлар пудратнинг бу талабларини менсимадилар. Агротехника тадбирларини амалга ошириш, материал ресурсларини ишлатишда жиддий хатоликка йўл қўйдилар. Оқибатда бир қатор оилавий пудрат коллективлари қўшнилари билан бир шароитда ишлаб, имкониятдан бир хил фойдаланаётган бўлишларига қарамай шартномаларни бажара олмадилар. Планда кўзда тутилганидан анча кам маҳсулот етказиб бердилар. Начора, ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Бу оила коллективларидан ана шу етказиб бера олмаган маҳсулотларнинг қиймати ҳисобидан пуллар ундириб олинадиган бўлинди. Айб ўзимизда, бизга сабоқ бўлди, кўзимиз очилди. Энди хатоликларга йўл қўймасликка, астойдил ишлашга ҳаракат қиламиз, дейишди улар.

... Ўтган йил бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида раис шундай деб ваъда берган эди: ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш, ўзинўзи эплаш ва шу мақсадда хўжалик ҳисобини жорий этиш талаби қўйилган ҳозирги пайтда фақат деҳқончиликдан олинадиган даромаднинг ўзигина кифоя қилмайди. Биз илғор хўжаликлар тажрибасини ўрганиб, колхозимизда ёрдамчи цехлар ҳам очишимиз керак.

Ҳисобот йиғилишида бу соҳада ўтган бир йил давомида дастлабки дадил қадамлар қўйилганлиги айтиб ўтилди. 1988 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб трикотаж цехи ишга тушди. Ҳозирги кунда бу цехда уйда касаначилик қилаётганлар ҳам ҳисобга олинганида 50 киши меҳнат қилмоқда. Хотин-қизларнинг қўйлаклари, жемпер, колготка ва бошқа тайёр кийимлар ишлаб чиқарилиб, колхознинг фирма магазинлари орқали сотилмоқда. Қўзиқорин етиштириш цехи ҳам аллақачон иш бошлаб юборган. Декабрь ойидан бошлаб эса харидорлар фирма магазинга келиб қази учун буюртма бера бошладилар. Чунки колхознинг беш кишидан иборат қази ишлаб чиқариш цехи маҳсулоти тезда харидоргир бўлиб қолди. Ҳозир ҳар куни 200—250 та қази тайёрланмоқда.

Яқин бир-икки йил ичида ғишт, оҳак ишлаб чиқарадиган завод ҳам иш бошлайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ана шу ёрдамчи хўжаликлар тўла ишга тушгач, колхоз шулар эвазига йилига 500—600 минг сўм даромад қилиши мумкин.

Лекин бу ҳам кам. Келгусида ободончилик ишлари кўлами янада кенгайишини ҳисобга олиб, даромадни кўпайтириш йўлларини излаш зарур. Бундай имконият, резервлар бор. Чорвачиликни Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хван номли колхоз тажрибаси асосида ижарага ўтказиш талаб этилади. Область бўйича ҳар гектар ер 4 минг сўм фойда келтирмоқда. Бу хўжаликда эса айримлар 13 минг сўм даромад олмоқдалар. Ана шу кўрсаткични ўртача 10 минг сўмга етказиш ҳисобига қўшимча қанча минг сўмлаб маблаг олиш мумкин!

Гўшт, сутни кўпайтиришда шахсий хонадонлар имкониятидан тўла фойдаланилмаяпти. Шунга эришиш керакки, 700 дан ортиқ хонадоннинг ҳар бири ўзининг сигир-бузоғи, қўй-эчкиси ва паррандасига эга бўлсин. Ана шунда хонадонлар ҳисобига қўшимча 200 минг литр сут, йилига 120—130 тоннадан гўшт етиштириш мумкин бўлади. Ҳисобот йиғилишида шу мақсадда «хонадон чорваси» программасини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида 1989 йилдаги вазифалар ҳам белгиланиб олинди. Колхоз правлениесининг янги состави сайланди.

С. Муҳаммаджонов яна колхоз правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Ҳисобот йиғилишида область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков қатнашди ва сўзга чиқди.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОБЛИҚ ОБОДОНЛАШМОҚДА

ҚИШЛОҒИМИЗ Ангрен шаҳридан 6—7 километр масофадаги ҳушманзара ерга жойлашган. Маданий-маиший хизмат тармоқлари йил сайин кенгайяпти. Ҳозир ўзимизнинг новвойхонамиз бор.

Айниқса, қишлоғимиздаги булоқ бўйида уруш ва меҳнат ветеранларига атаб Қизил чойхона қуриб берилгани биз, кексалар учун жуда яхши бўлди. Энди турли мавзулардаги учрашувлар, суҳбатлар, кечалар шу чойхонада ўтказилмоқда.

Қишлоғимизда бир вақтлар қурилган эски мадраса биноси қайта жиҳозланиб, 170 ўринли клубга айлантирилди, қишлоқ кутубхонаси ҳам шу бинода ташкил этилган. Клубда кино ва концертлар намойиш қилиб турилди.

Қишлоқ ёшлари бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун майдон ажратиб бериш тўғрисидаги талабларини маҳалла комитети орқали шаҳар ижроия комитетига етказдилар. Ижроком раҳбарлари ёшлар талабини қондириб, махсус қарор билан 1,5 гектар майдон ажратиб берди.

Шу кунларда қишлоғимизга келган киши кенг қўламдаги қурилишларнинг гувоҳи бўлади. Бутун мамлакатда бўлганидек бизнинг қишлоғимизда ҳам 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программаси асосида якка тартибда уй қуриш бошлаб юборилган.

Т. ШЕРАЛИЕВ,
меҳнат ветерани, пенсионер.

ФАН—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

ФЕРОМОНЛАР ХИЗМАТДА

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ва сўнгги вақтларда ўзига эътиборимизни талаб этаётган муаммолардан бири — она табиатимизни муҳофаза қилиш — фойдали ўсимликларни турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилишда махсус усулларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу вазифани амалга оширмай туриб, атроф-муҳитнинг соғлигини сақлаб ва шу билан бирга, аҳолини зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб бўлмайди.

Маълумотларга кўра, дунёда олинадиган ҳосилнинг 30—35 проценти ҳар хил зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар таъсиридан нобуд бўлар экан. Айниқса, кейинги йилларда ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий препаратларнинг турлари анча кўпайиб кетди. Аммо бу препаратлар юқори самара бериши ва ишлатишга қулай бўлиши билан бир қаторда, ўсимликлар оламига, одам ва ҳайвон организмига, атроф-муҳитга катта зарар етказмоқда.

Кейинги йилларда республикамиз деҳқонлари ўсимликларни, жумладан асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган ғўзани зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда уйғунлаштирилган усулдан кенг фойдаланмоқдалар. Бу усул шу ўсимлик зараркунандасининг табиий кушандаси бўлган трихограмма ва габробраконлардан унумли фойдаланиш, яъни биологик усулни кенг қўллаш ҳисобига кимёвий препаратларни мумкин қадар кам ишлатишга асосланган. Бу борада зарарсиз ҳисобланган — синтетик феромонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кўсак қурти ғўзанинг энг ашаддий зараркунандаларидан бири ҳисобланади. Унга қарши самарали кураш кўп жиҳатдан, ана шу биологик усулни ўз вақтида қўллашга, яъни биологик кураш муддатини, шунингдек, қайси вақтдан бошлаб кимёвий ва микробиологик воситаларни қўллаш мумкинлигини аниқлашга боғликдир.

Феромон — бу урғочи капалакнинг махсус безларидан, яъни ҳашарот ғумбакликдан капалак бўлиб чиққанидан 2—3 кун кейин ишлаб чиқариладиган ўзига хос ҳид бўлиб, мураккаб кимёвий таркибга эгадир. Табиатда бу модда диффузия қонунига бўйсуниб, атрофга тарқалади, урғочи ва эркак капалаклар бир-бирини топишида бу ҳид «кимёвий тил» бўлиб хизмат қилади. Айни бир турга хос бўлган ҳашарот феромони бошқа турдаги ҳашаротни ўзига жалб қилмайди.

Ҳозир ватанимизда ва чет мамлакатларда 100 дан ортиқ синтетик феромонлардан зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда, ҳамда уларнинг биологик ривожланишини ўрганишда фойдаланилмоқда. Шу жумладан, мана бир неча йилдирки, институтимизда химия фанлари доктори, профессор А. А. Абдуваҳобов раҳбарлигида бир группа олимлар кўсак қурти капаласи феромонини синтез қилишнинг йириклаштирилган усулини йўлга қўйишди. Ана шу усул асосида Институтимизнинг тажриба корхонаси феромонли тутқичлар комплектини тайёрлаб чиқармоқдалар. Бу комплект асосан, тутқич, феромонли резинка бўлакчаси ва елимли қоғоздан иборат. Тажриба-корхонамиз 1986 йили 25 минг, 1987 йили 58 минг, бу йил эса 75,5 минг дона феромонли тутқичлар комплектини ишлаб чиқариб, республикамизнинг кўпгина хўжаликлари пахтакорларига етказиб берди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, институт олимлари Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда ишлашиб, феромонли тутқичлардан қандай қилиб фойдаланиш кераклиги ҳақидаги бир неча қўлланмаларни ҳам тайёрлашди. Айниқса, шу йили «Меҳнат» нашриёти томонидан босмадан чиқарилган А. Абдуваҳобов, Ш. Хўжаев, О. Эшматовларнинг «Ўсимликларни ҳимоя қилишда феромонларнинг қўлланилиши» номли китобчаси пахтакорлар учун жуда муҳим ва, бу соҳада ўзбек тилидаги ягона оммабоп қўлланмадир. Аммо ушбу қўлланма жуда кам нусхада — атиги 7 минг донагина чиқарилди, холос. Ана шу қўлланма қайта нашр этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ғўза зараркунандасига қарши курашнинг ушбу усули бир томондан шу куннинг муҳим талаби бўлса, иккинчи томондан, пахтадан мўл ҳосил олишнинг гарови ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, феромонли тутқичлардан фойдаланиш ортиқча маблаг талаб этмайдиган оддий усул бўлиб, қишлоқ хўжалигида юқори иқтисодий самара беради. Сўнгги йилларда феромонли тутқичлар республикамизнинг кўпгина хўжаликларида, шунингдек қардош Тожикистон ва Озарбайжоннинг пахта далаларида синовдан ўтказилди. 1981 йилда феромонлардан фойдаланиб, ғўза майдонларига трихограмманинг 3 марта қўйилгандаги самарадорлиги 50 процентни ташкил этган бўлса, 1983—1987 йилларга келиб, бу самарадорлик 70 процентга етди. Шу билан бирга кўсак қуртига қарши кураш олиб боришнинг аниқ муддатларининг белгиланиши оқибатида кимёвий препаратларни ишлатиш ҳажми ҳам икки ҳиссага қисқарди.

Қишлоқ хўжалигида зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда синтетик феромонлардан фойдаланишнинг бир неча афзалликлари бор: феромонлар танлаб таъсир этиш хусусиятига эга, яъни фақат маълум бир тур ҳашаротларгагина таъсир этиб, бошқа фойдали ҳашаротларни сақлаб қолиш имконини беради: ҳашаротлар феромонлар таъсирига кўникиб қолмайди; ғўза майдонларига жуда оз миқдор — 100 гектар ерга 1 грамм феромон ишлатилади; ниҳоят атроф-муҳитни заҳарланишдан сақлайди ва катта иқтисодий самара беради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда синтетик феромонлар ғўзани зараркунанда ҳашаротлардан тўлақонли ҳимоя қила олади ва кимёвий кураш усулидан бутунлай воз кечилади.

О. ХОЛБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академик О. С. Содиқов номидаги Биоорганик химия институтининг катта илмий ходими, химия фанлари кандидати.

ҚИШДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

● АЙНИ кунларда Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози ва «Хасково» совхозининг парник хўжаликларида иш қизғин бораяпти. Қиш фаслида ҳам меҳнаткашлар дастурхонига сарҳил сабзавот ва турли кўкатлар етказиб бериш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Жумладан «Партия XX съезди» колхози деҳқонлари қишда 110 тонна помидор, 220 тонна бодринг топширдилар.

Биргина 12 январь куни «Хасково» совхози парник хўжалиги ишчи-хизматчилари меҳнаткашлар дастурхонига 300 килограммдан ортиқ маҳсулот етказиб бердилар.

Суратларда: (юқорида) «Партия XX съезди» колхози парник хўжалиги аъзоси Рихси Умарова; М. Нуралиева ва М. Содиқова «Хасково» совхозининг тажрибали сабзавоткорларидир. Улар шу кунларда теплицада сарҳил маҳсулотлар етиштиришмоқда; «Партия XX съезди» колхозида Анвар Мирсоатовга етадиган цитрусчи йўқ. У лимонлардан мунтазам мўл ҳосил олаяпти. Колхоз парник хўжалиги аъзолари Мақсуд Убайдуллаев ва Алим Алиев (ўнгда) иш устида.

М. Назаров фотолари.

Халқаро ҳаёт

ЯНГИ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ

✦ БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида янги халқаро савдо маркази ўз эшикларини Будапешт аҳолиси ва меҳмонлари учун очди. Бу Будапештда учинчи ана шундай марказдир. Венгрия архитекторлари лойиҳасини ишлаб чиққан марказ Югославия қурувчилари ёрдамида бир ярим йил мобайнида барпо этилди.

Энг замонавий алоқа воситалари, 250 ўринли маслислар зали, 100 автомашинага мўлжалланган икки қаватли гараж савдо марказида бинони ижарага олишни хоҳловчи фирмалар хизматидадир. Марказнинг малакали таржимонлари меҳмонларга ишда кўмаклашадилар. Янги Будапешт марказида дунёнинг турли чеккаларидаги 53 қорижий фирма ҳозирдаёқ ўз ваколатхоналарини очиш тўғрисида ариза берди. Венгрия иштирокидаги 8 та қўшма корхона шулар жумласидандир.

Венгрияда дастлабки халқаро савдо маркази 80-йилларнинг бошида ташкил этилган эди. Кейинги йилларда Будапештда умумий саҳни 20 минг квадрат метрдан ортиқ учта халқаро савдо маркази барпо этилди.

БИТИМНИ ЧЕТЛАБ ЎТИБ...

✦ ЛУАНДА. ЖАР маъмурлари УНИТА террорчилик гуруҳидан бандитларни намибиялик қочоқлар, деб кўрсатиб, уларни босиб олинган Намибиянинг жанубий-шарқий қисмидаги Каприви зонасида маҳфий равишда жойлаштирмоқдалар. Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО)нинг Харадеги вакили Ньяула Капука сешанба куни Ангола ахборот агентлигига шуни хабар қилди.

Шу тариқа ирқчилар ўтган йил декабрда Нью-Йоркда имзоланган Африканинг жанубий-ғарбий қисмидаги ҳарбийларини ва ҳаракатлар ҳаракатлар ва ҳаракатлар ва ҳаракатлар ва

700412 СЧЁТИГА

Арманистон халқи бошига тушган кулфат биз дорилфунун профессор-ўқитувчилари, хизматчилари ва студентларини ҳам бефарқ қолдирмади. Шу муносабат билан барча факультетларнинг комсомол комитетларида бўлиб ўтган йиғилишларда дўст арман халқига ҳамдардлик билдирилди. Йиғилишларда сўзга чиққан ВЛКСМ аъзолари — студентлар факультетларда холисона — ҳар кимнинг ўз имконига яраша пул йиғиб, 700412 счётига ўтказиш таклифи билан чиқдилар. Университетда таълим олаётган 150 нафар афғонистонлик студентлар стипендияларидан маълум қисмини табиий офатдан зарар кўрган Арманистон республикасининг зарар кўрган шимолий районларига боради. Шу кунгача шундай отрядларга қабул қилиш учун тушган аризалар сони 300 кишини ташкил этади. Бу отрядларга биз намунали хулқи, аълочи студентларни ҳамда мутахассислиги бор бўлган, Совет Армияси сафидан қайтган йигитларни қабул қилаяпмиз.

Д. ОБИДОВ,
В. И. Ленин номли ТошДУ комсомол комитети секретарининг ўринбосари.

* * *

✦ ОҲАНГАРОН районидаги Н. Крупская номли 4-мактаб ўқувчилари арманистонлик тенгқурлари мусибатига бефарқ қарамадилар. Мактаб комсомоллари озиқ-овқат ярмаркаси ҳамда шанбалик ўтказиб, шу куни тушган 274 сўм маблағни 700412 счётига ўтказдилар. Шунингдек, дружина пионерлари ва пионерларига турли посилкалар жўнатишга ҳамда 5 тонна металлолом йиғиб беришга қарор қилдилар.

З. ИУЛДОШЕВА.

ҚИШ—САЁҲАТ МАВСУМИ

Республикамиз олий ўқув юртларида тузилган студентлар қурилиш отрядлари ўтган йили катта куч-ғайрат кўрсатиб, баракали меҳнат қилдилар. Учинчи меҳнат семестрида фидокорона ишлаб, тенгқурларига намуна бўлган аксарият ёшларни турли йўллар билан рағбатлантириш тадбирлари кўрилмоқда.

Студент қурилиш отрядларининг аъзоларидан катта бир группаси чет эл мамлакатларига уюштириладиган туристик саёҳатларга қатнашадиган бўлди. Қишки таътил кунларини улар Болгария, Чехословакия каби мамлакатларда ўтказадилар. Шунингдек, Польша, Италияга саёҳатга бориб келиш учун йўлланмалар ажратилди.

Запасдаги ёш жангчилардан тузилган Бутуниттифоқ «Дўстлик» туристик поезди Польшага йўл олади.

С. ОДИЛОВА.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕР ШАРИ БЎЙЛАБ —ВЕЛОСИПЕДДА

✦ ЖАҲОН бўйлаб велосипедда сайр қилгани чиққан ҳиндистонлик Рам Чандра Виевасининг саёҳатига ҳам мана 6 йилу салкам 8 ой бўлиб қолибди. Ҳозир у ҳисоб бўйича 44-мамлакат бўлган Венесуэлада. Бундан аввал у Африка давлатлари ерларидан ўтиб Жанубий Америка қитъасига ўтган эди. Венесуэлада бир ой бўлгач толмас саёҳатчи Кариб денгизи оролларига ўтиб, шундан сўнг Марказий Америкага боради. Велосипед спидометри ҳозиргача жами 155 минг километр йўл босиб ўтилганини кўрсатмоқда. Бунақа зўриқишга одам чидаса ҳам юкришкалар дош беролмаяпти, уларни ҳар 4 ойда алмаштиришга тўғри келмоқда.

Журналистлар билан суҳбатда у 31 ёшда эканини, касби техник-тўқимачи, шу билан бирга журналист, фотограф, рассом, фокусчи ва жонглёр эканини ва бу аралаш касблар йўлда унга кун кечириш учун қўл келаётганини айтган. Буларнинг бари фақат ягона мақсад — халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик ғояларини тарғиб қилиш йўлида қилинган сафардир. Р. Чандра бирон марта ҳам йўлда касал бўлгани йўқ. Ҳиндистонга эсон-омон қайтгач, толмас саёҳ Планета мамлакатлари ва халқлари ҳақида бир қатор бадиий альбомлар чиқариш ниятида.

ҚЎЛИ ОЧИҚ МИЖОЗ

✦ САРАСОТА (Флорида штати) шаҳрида банкка қуролли ҳужум қилиб, бойиган 37 ёшли Уилли Уильямс ўмарилган пулларнинг бир қисмини хурсандчиликка бағишламоқчи бўлди. Яқин атрофдаги савдо марказларига кириб ҳар биридан минг хил нарсалар харид қила бошлади. Сотиб олинган моллар билан ёлланган такси тўлди ҳисоб. Ҳайдовчи қўли очиқ мижоздан бирам хурсанд эди-ки, фақат навбатдаги магазинга кириб савдо қизиган пайтида полиция Уильямсни машина билан ушлаб қолгандагина, бойвоччанинг миси чиқди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

«ОРҚА ЭШИКЛАРНИ БЕРКИТАЙЛИК»

15 НОЯБРЬ 1988 ЙИЛ

УШБУ сарлавҳали мақолада келтирилган Коммунистик район матлубот жамиятига қарашли савдо тармоқларидаги камчиликлар, келтирилган фактлар мақола газетада эълон қилинмасдан олдин 1988 йилнинг 2 ноябрида район матлубот жамияти правлениеси, район давлат савдоси ва матлубот жамияти ходимлари касаба союз комитетининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинган, дейилади область матлубот жамияти раисининг ўринбосари М. Зокировдан келган жавобда. Янгибозор матлубот жамиятига қарашли 30-магазин мудири А. Рўзматов, Жумабозор матлубот жамиятининг 9-магазин сотувчиси Х. Мирражабова ҳамда Ийк матлубот жамиятининг гастроном мудири Пардабоевларга қаттиқ хайфсан, «Болалар дунёси» магазинининг катта сотувчиси Елибоевага хайфсан эълон қилинди. Ийк, Жумабозор матлубот жамиятлари раисларига, «Юбилейний» универмаги директорига совет савдоси қоидалари бузилаётгани тўғрисидаги фактлар кўрсатиб ўтилди ва қисқа муддатда уларни тартибга келтириш талаб қилинди.

Мақола барча матлубот жамиятларида муҳокама қилинди. Янгибозор матлубот жамияти правлениесининг 1988 йил 1 декабрдаги қарори билан 30-магазин мудири Азим Рўзматов меҳнат мажбуриятини бажаришдаги кўпол хатоси учун ишдан бўшатилди.

Область матлубот жамияти правлениеси ва унинг аппарати областнинг кооператив корхоналарида савдо қоидаларига риоя қилишнинг назоратини кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиламоқда, дейилади жавоб сўнггида.

«Фақат қассоб айбдорми?»

1 ИЮНЬ, 1988 ЙИЛ

НОРБОЙ Халилновнинг жиноий иши тўғрисидаги ушбу мақола кўриб чиқилди, дейилади Тошкент область судининг раиси А. И. Липатовдан олинган жавобда. Мен Оққўрғон район халқ судининг 1987 йил 16 сентябрида Н. Халиловга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгартириш юзасидан Тошкент область судининг президиумига норозилик билдирдим. Жиноий ишни тўғри очишда аҳамиятли бўлган баъзи фактлар ҳисобга олинмагани учун иш қайта терговга жўнатилди. Текшириш натижалари ҳақида қўшимча маълумот берилади, дейилади жавоб сўнггида.

«ДОҒ»

18 НОЯБРЬ, 1988 ЙИЛ

УШБУ сарлавҳа остида эълон қилинган мақола Тошкент шаҳар Совети ички ишлар бошқармасининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилди, дейилади жиноят-қидирув бошқармасидан келган жавобда. Мақолада ёзилган фактларни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, жабрланувчилар 1988 йилнинг 30 августида магнитофон ўғирлашда шубҳа остига олинган икки ўсмирни, шу жумладан Х. А. Ибрагимовни А. Икромов район ички ишлар бўлимига келтирганлар. Жиноят-қидирув бўлимининг оператив вакили, милиция лейтенанти К. Қўзиев ўсмирларни уларнинг ота-оналари иштирокисиз сўроқ қилган ва улар ўғирликни бўйинларига олганлар. Сўнг ўсмирлар ота-оналари иштирокида сўроқ қилинганида, улар дастлабки кўрсатмаларидан тонганлар, шу заҳоти уларнинг уйларига кетишга рухсат берилган.

Кейинчалик кўрилган тадбирларга кўра ҳақиқий ўғрилар қўлга туширилди.

1988 йилнинг 5 декабрида А. Икромов район ички ишлар бўлимининг бошлиғи ўтказган оператив йиғилишда «Доғ» мақоласида келтирилган фактлар муҳокама қилинди. Йиғилишда йўл қўйган хатоси, балоғатга етмаган ўсмирларни ота-оналар ва педагоглар иштирокисиз сўроқ қилганлиги учун милиция лейтенанти К. Қўзиев интизомий тартибда жазоланган.

Жиноят-қидирув бўлимининг оператив вакили, милиция лейтенанти К. Қўзиев ўсмирларга нисбатан нотўғри ҳаракатлари учун уларнинг ота-оналаридан кечирим сўради. Бу ҳақдаги маълумот уларнинг турар-жойлари бўйича маҳалла комитети аъзоларига етказилган, дейилади жавоб сўнггида.

МОСКВАДАН ХАТ

ЯНГИ КИНО МАРКАЗИ

Ватанимиз пойтахтида детектив, саргузашт ва фантастика фильмлари маркази ташкил этилди. Марказда фильм авторлари, актёрлар, режиссёрлар, прокуратура, суд органлари ходимлари, ёзувчи ҳамда шоирлар билан учрашувлар, ижодий кечалар ўтказиш кўзда тутилган.

Яқин кунларда бу ерда «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган фильмларни ҳам намойиш этиш планлаштирилган.

Қ. АҲМЕРОВ.

БЎЛАЖАК РАДИОКОНСТРУКТОРЛАР

✦ ТОШКЕНТ районидаги 9-ўрта мактабда радиоконструкторлар тўгараги иш бошлади. Тўгаракка 7—8 синфлардан 30 ўқувчи қатнашмоқда. Улар радиопередатчик ва радиоприёмник моделини йиғиш сирларини ўрганяптилар.

— Тўгаракнинг мақсади, — дейди тўгарак раҳбари Одил Усмонов, — ўқувчиларни радиотехникага бўлган қизиқишини ортириш-дир.

Д. КАЛОНОВ.

✦ **КАЛИНИН** район ички ишлар бўлими давлат автоинспекцияси бўлинмаси ходимлари тартиббузар шоферларни жазолабгина қолмай, балки турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида профилактик ишларни ҳам яхши йўлга қўйишган. Бу ўз самарасини бермоқда. Район территориясида йўл-транспорт билан боғлиқ бўлган ҳодисалар камаймоқда. **СУРАТДА: ГАИ ходимлари катта лейтенант Абдуқаҳҳор Холматов, сержант Исомиддин Муҳиддинов, жамоатчи автоинспектор Тоҳир Қосимовлар 2512-автоколонна ҳайдовчиси Обид Ҳакимов йўл варақасини текшириб кўришмоқда.**

А. Зуфаров фотоси.

ЭНГ ЁШ ТОЖДОР

шахмат — бўстонининг боғбонлари

18-САЙР

Гарик асло ҳамма нарса кўлидан келадиган кичкина шахмат роботи бўлиб туғилгани йўқ. Унинг болалиги бахтли бўлди: оиласида муҳаббат ва дўстлик ҳукмрон эди, китоб ўқишар, музика тинглашарди. У болалигида тўп тепар, велосипедда сайр қиларди. Баъзан Каспаровларнинг хонадонида шахмат ўйинлари бўлар, Гарик эса тахта узра кечаётган ажиб жанг манзараларини қизиқиб кузатарди. Кейин-кейин ўзи доналарни шундай сурадиган бўлиб қолдики, тез орада катталарни ҳам кўзини очирмай қўйди. Боладаги шахматга бўлган чинакам ҳавасни сезган ота-онаси уни Боку пионерлар саройига олиб боришди. Тажрибали устозлар раҳбарлигида ёш ҳаваскор бошловчидан биринчи разрядли шахматчи бўлгунга қадарли йўлни тез одимлар билан босиб ўтди. Лекин айни вақтда бундан қолишмайдиган мустақил ўрганиш жараёни ҳам юз берди: шахмат китоблари билан бир қаторда бошқа адабиётларни ҳам қунт билан мутолаа қилиб борди...

Ўспиринлик чоғиданоқ Александр Алехиннинг ижоди Гарри Каспаров учун ўзига хос маёқ бўлиб қолади. Биринчи рус жаҳон чемпионининг сайланма партиялари тўплами ёш шахматчининг столидан тушмайдиган китобига айланди.

Ҳар бир катта шахматчининг ҳақиқий спорт ҳамда ижодий йўли бошланган ўз нуқтаси бор. Гарик биринчи марта ўзини 1973 йил Вильнюсда ўтган Бутуниттифоқ ёшлар ўйинида танитди. У, албатта, иштирокчиларнинг энг кичиги эди. Лекин 10 яшар биринчи разрядли шахматчи тажрибалироқ ҳамда унвони баландроқ рақибларга қарши қатор учрашувларни ажиб тарзда ва сира ютқазмай ўтказди. Мутахассислар эътиборини олинган очколар эмас, балки эришилган ғалабаларнинг нақадар ишонарли эканлиги, ёшига нисбатан етук маҳорат ўзига тортди. Гарик Ботвинник мактабига қабул қилинди. «Беш йил Ботвинникдан олган сабоқларимнинг баҳоси йўқ!» — дейди Каспаров.

15 ёшида мастерликни олади ва СССР биринчилигининг финалида ўйнайди. Бунақаси бўлмаган эди. Кейин йирик халқаро турнирлар ғолиби, мамлакат чемпиони бўлади. 17 ёшида ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Каспаров тез орада катталар ўртасида ҳам тож талабгорлари сафига киради.

Ниҳоят, 1985 йили А. Карповни иккинчи матчда енгган Гарри Каспаров шахмат тарихидаги ўн учинчи ва энг ёш жаҳон чемпиони бўлди. 1986 йилги реванш матчида унвонини шараф билан ҳимоялашни уддалади. Жаҳон Олимпиадасида энг кучли рақибларини енгиб, биринчи тахтада ғолиб чиқади ва олтин медалга сазовор этилади.

— Энг юксак унвон менинг шахматда охирги маррага етганимни билдирмайди, —дейди Г. Каспаров. — Шунинг учун ҳам яна ўйинимни такомиллаштиришга, шахмат санъатини янада юксакроқ кўтаришга ҳаракат қиламан... Ижод эса чегара билмайди.

КАСПАРОВ — ПОРТИШ
Никшич, 1983 йил

Янги ҳиндча ҳимоя номи билан юритилувчи дебют ишга солинган бу партия қораларнинг 14... Фd8 с7 юришидан сўнг шундай вазият касб этган эди:



15, с4! Бу оддий юриш — янгилик! Энди позиция янгича талқин этилади. Оқлар рақиб шоҳини аниқ мўлжалга олувчи бақувват филлару ҳаракатчан пиёдалар марказига эга. Венгриялик машҳур гроссмейстер эса оқларнинг «омонат» пиёдалар марказига қарши кураш бошлашга аҳд қилади.

15... cd 16 ed Ка5.



17. d5! ed 18. cd С:d5 19. С:h7+ Кр:h7 20. Л:d5 Крg8.

«Шу пайтда мен ўйланиб қолдим, — дейди Г. Каспаров. — Оқларнинг сипоҳлари идеал тарзда жойлашган, лекин конкрет ҳеч нарса кўринмаяпти. Актив ўйнаш кераклиги сезилиб турибди. Лекин қай йўсинда? Ке5 ёки Кg5 лозимдек туюляпти. Аслида g5 да отга иш йўқ. 21. Ке5 жозибадорроққа ўхшайди, бироқ у ҳолда b2 даги филнинг кўзи бекилиб қолади-ку. Борди-ю, уни берилса-чи? Ҳа, ҳа, уни қурбон қилиш керак!».



21. С:g5! Буни позициявий қурбон дейдилар.

21... Кр:g7 22. Ке5 Лf:d8 23. Фg4+Крf8 24. Фf5!f6. 25. Кd7+Л:d7 26. Л:d7 Фс5 27. Фh7 Лс7 28. Фh8+!

Борди-ю бирданига 28. Лd3? бўлса, қоралар қандай йўл билан қутулиб кетарди? Бу қизиқ йўлни топиш ўзингизга ҳавола, азиз дўстлар.

28... Крf7 29. Лd3 Кс4 30. Лfd1! Ке5! 31. Фh7+Кре6. Қора шох сўнгги «сайр»га жўнашга мажбур.

32. Фg8+Крf5 33. g4+Крf4 34. Лd4—Крf3. 35. Фb3 +

Қоралар таслим бўлди. Эндиги мажбурий юриш — 35... Фс3 га 36. Лd3+К:d3. 37. Л:d3+Ф:d3. 40. Ф:d3+Кр:g4 (Крf4) 41. Фg3+ ва қора рух кетади.

М. МУҲИДДИНОВ.

СПОРТ

КЛАССИК КУРАШ

✦ **ДУШАНБА** шаҳрида классик кураш бўйича СССР биринчилигининг зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур мусобақаларда республикамиз шарафини ҳимоя қилган А. Фельдман ҳамда С. Березинлар иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди,

✦ **ОБЛАСТЬ** ёшлар спорт ўйинлари программасидаги классик кураш бўйича мусобақаси Оққўрғонда ўтказилди. Унда Оққўрғон районни полвонлари умумкоманда ҳисобида ғолиб чиқдилар. Оҳангарон шаҳри ва чирчиқлик курашчилар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда оққўрғонлик С. Ҳусанов, В. Низомов, С. Эбушитов, Т. Турдалиев, Т. Қодиров, чирчиқлик А. Цавко, А. Ҳасанов, оҳангаронлик И. Давронов, В. Эргашев ҳамда Коммунистик районидан Н. Тастановлар ғалаба нашидасини сурдилар.

Мусобақаларда Чиноз, Ўрта Чирчиқ ҳамда Тошкент районн вакиллари иштирок этишмади.

ЭРКИН КУРАШ

✦ **«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ»** спорт жамияти залида спорт йўналишидаги интернатлар ўртасида Бутуниттифоқ турнири бўлди. Унда тошкентлик ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби Р. Атаулин 58 килограмм вазнда биринчи ўринни эгаллади. А. Зуфаров ҳамда В. Сотниковлар кумуш жетон билан тақдирландилар.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ХАТЛАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

Бир ҳовлида тўрт оила яшаймиз. Уй-жой шароитимиз ниҳоятда оғир. Тегишли ташкилотларга чурожаат қилган эдик. Ҳеч қандай натижа чиқмаяпти.

Р. НИҒМАТУЛЛАЕВ,
С. Раҳимов район, Ленточний проезди тупик 6, 25-уй.

Хат юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костиндан жавоб олинди. Унда Р. Ниғматуллаевнинг хати бўйича текшириш ўтказилиб район Советининг қарори билан имтиёзлилар қаторида навбатга қўйилганлиги айтилади.

✦ ✦ ✦

Уй-жой масаласини ҳал қилиб беришни маъмурий органлар ҳаддан ташқари чўзиб юборишяпти.

Ҳ. НОРМИРЗАЕВ,
Янгийўл шаҳар, Садовая проезди, 20-уй.

Хат автори билан З. Сандовлар ўртасидаги уй-жой жанжалини ҳал қилиш масаласи бир неча бор суд мажлисида кўриб чиқиш учун муддати белгиланган. Бир сафар даъвогар, иккинчи сафар жабрланувчи ёки адвокат суд мажлисига келмагани оқибатида уни кўриб чиқиш пайсалга солинган. Жанжал область суди гражданлик ишлари бўйича коллегиясида кўриб чиқилиб, З. Сандов даъвоси қондирилди. Ҳ. Нормирзаевнинг аризаси қисман қондирилиб, унинг даъво аризасини Ўзбекистон ССР Олий судига юборишга қарор қилинган. Бу ҳақда редакцияга область юстиция бўлимининг бошлиғи Ё. С. Бозорбоев хабар қилди.

✦ ✦ ✦

Илгари Калинин районидаги ўзгариш қишлоқ Совети территориясида яшар эдик. Биз яшаб турган жой Тошкент шаҳрининг Сергели районн территориясига ўтиши муносабати билан тегишли ташкилотлар ҳужжатларимизни расмийлаштиришда сансалорлик қилишяпти.

К. САМАРБЕКОВ,
Сергели район, Коминтерн кўчаси, 8 уй.

Калинин районидан Сергели районн территориясига ўтган Коминтерн кўчасидаги аҳолининг шахсий уй-жойларини расмийлаштириш масаласи Тошкент шаҳар уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш ҳамда шахсий уйларни назорат қилиш бошқармасида кўриб чиқилди.

Сергели район Совети ижроия комитети ҳам бу масалани кўриб хатда кўрсатилган уй-жойларни расмийлаштириш ҳақида қарор чиқарди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРИ, ФРЕЗЕРЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ОПЕРАТОРИ КАСБЛАРИ БЎЙИЧА

1989-90 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР 1989 ЙИЛ 16 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртига 10-синфни битирган кишилар, шунингдек Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган ҳамда Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ёшлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

АДРЕС: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 106, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ШАРБАТЛАР ЙИЛ БЎЙИ

ШАРБАТЛАРДАН КОКТЕЙЛЬ

Учрашувлар узоқ муддат ларгача ёдда сақланиб қолишини истасангиз, бунга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш керак. Барча майда-чуйдалар, ҳатто коктейллар учун пластмассадан «найча»лар олиб қўйишни ҳам эсдан чиқармаслик даркор.

Тайёрланган шарбатларингиз фақат мазалигина эмас, балки чиройли безатилган ҳам бўлиши лозим: Масалан, қуйидагича: бокал қирраларини лимонли сокда ёки сувда намланг ва уни «қанд упа»сига ботиринг. Бокаллар оппоқ қор учқунлари билан белансин.

Олдиндан холодильник музхонасидаги махсус идишда сувни музлатиб кубикчалар ҳосил қилинг. Агар коктейль ва шарбатлар баланд стакан ва бокалларда сузилса дастурхон янада серфайз кўринади.

Коктейллар учун ўзингиз ёзда тайёрлаб қўйган турли компот ва шарбатлар ёки анор доналари ва лимонлар бемалол ярайди.

«ЭРТАК» КОКТЕЙЛИ

Бир порция «Эртак» коктейли тайёрлаш учун бокалга 2 ош қошиқ малина ва ўрик шарбати (мураббоси ҳам бўлаверади) қуйинг, унга ярим стакан узум шарбатини қўшинг ва бир неча дона консерваланган мева ҳамда кичикроқ муз бўлагини солиб қўйинг. Суюқликлар бир-бирига аралашиб кетмаслиги учун бу ишларни эҳтиётлик билан бажаринг.

«АЛВОН ЮЛДУЗЧА» КОКТЕЙЛИ

Бу коктейлни тайёрлашда ҳам эҳтиёткорлик билан стаканга озгина олча сиропини қуйинг, сўнгра ундан сал кўпроқ рангсизроқ узум ёки олма шарбатини қуйиб, бир бўлак муз ва консерваланган меваларни солиб, устидан авайлаб тўлгунча лимонад ёки минерал сув қуйинг.

УЗУМ ШАРБАТИ

Бокалга мороженое солиб, кейин узум шарбатини қуйинг. Шарбатни аралаштирманг! Бир порция шарбат учун — ярим стакан шарбат, 50 грамм мороженое керак бўлади.

ШАҲАРДАГИ БАРЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДА ОЛМА, ТОМАТ, УЗУМ ШАРБАТЛАРИ СОТИЛМОҚДА.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 09522. В. 1522. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12